

МЕХР
УЛАШИНГ



2-саҳифа

МУХТАШАМ
САНЪАТНИНГ
ФАЙЗИ ЎЗГАЧА



3-саҳифа

ТЕМУР ТУЗГАН
“ТУЗУКЛАР”



4-саҳифа

1925-YILDAN
SHIQA BOSHLAGAN



№27 (16332)

2019-YIL 6-APREL, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@umail.uz

@Yoshlarovozi

Сайтдаги ўқиб ўқиб QR-кодни
телефонингизда сканер қилинг.

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

YOSHILAR OVOZI

QAROR VA LJRO

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОҒЧА



Нукус шаҳрида Ўзбекистонда биринчи марта ақлий ва жисмоний нуқсонлари бўлган болаларни тарбияладиган ва реабилитация қиладиган “Imkon” номли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур муассаса Президентимизнинг 2018 йил 16 августдаги “Оролбўйи ми-

тақаси болалари учун реабилитация марказига эга бўлган давлат ихтисослаштирилган кўп тармокли мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилди.

— Муассасанинг нафақат Ўзбекистонда, балки яқин хорижий давлатларда ҳам ўқшаши йўқ, — дейди Ўзбекистон Республикаси

мактабгача таълим вазир А.Шин. — Бу таълим ва реабилитация муассасаси нима учун айнан Қорақалпоғистонда, яъни Нукусда қурилди? Чунки Оролбўйи минтақасида болалар саломатлиги масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 7 ёшгача бўлган ногирон болалар сони 2013 йилга нисбатан 17,5 фоиз ошган. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг ташаббусига кўра, Нукус шаҳрида Ўзбекистонда биринчи реабилитация-таълим муассасаси ташкил этилди. Бу ердаги болалар илгари ижтимоий-маданий муҳитга кўшили олмас эди. Кўп тарбияланувчилар ҳаётининг асосий қисmini уй деворлари ортида ўтказарди. Шунингдек, биз Нукус шаҳрида эрта аралаштириш тамойилини амалга оширишни бошламоқдамиз. Маълумки, бола миёнасининг 85 фоизи ҳаётининг биринчи 5 йили мобайнида ривожланади. Жисмоний ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болалар ҳақида гап кетганда, машғулотларнинг ҳар бир кунини муҳим аҳамиятга эга. Коррекцион-ривожлантирувчи ишларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида биз ушбу мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш ёшнинг 3 ёшдан 2 ёшгача пасайтирдик. Яъни, 2-7 ёш оралиги этиб олинди.

(Давоми 2-саҳифада)

YUKSALISH

САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АЙНИ МУДДАО

Турли ўлкаларнинг жозибador табиати, бетакрор анъаналари, тарихий обидаларини кўҳна қадамжоларини дунёга тараннум этгувчи соҳа — туризмдир. Туризм воситасида турли миллат ва элатлар бир-бирини танийди, маданиятига ошно бўлади.



Юртимизда хорижий давлатлардан кўплаб сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Аксарияти диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган аллома аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиб, ноёб кўлэмза асарларини кўришга ошқоқчи. Уларга Ўзбекистон бўйлаб саҳаёт қилиши учун етарли шароитлар яратилган.

Биргина 66 та мамлакат фуқаролари учун юртимизга визасиз кириши жорий қилинган. АҚШ, Хиндистон, Хитой каби бир қатор давлатлар фуқаролари эса, Ўзбекистонга электрон виза орқали келиши мумкин.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантириш бўйича бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Уларда зиёрат туризмининг тарғиб қилини буйича маркетинг компаниялари фаолиятини кучайтириш, чартер рейслар ва қулай логистика тизимларини ташкил этиш, туристлар оқимини ошириш каби масалалар белгиланди.

Жорий йилда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан кўплаб хорижий давлатларда юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти тарғиб қилинди. Масалан, байрам кунларида Самарқандга 9 минг 350 нафар маҳаллий ҳамда 6 минг 990 нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрган.

Бундан ташқари, юртимизнинг туристик имкониятлари хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Хоразм вилояти туризмин ривожлантириш департаменти ташаббуси

билан 19-23 март кунлари Россиянинг “Первый” телеканалда намойиш этиладиган “Непутевые заметки” кўрсатуви ижодкорлари Хива шаҳридаги диққатга сазовор жойлар, хусусан, “Ичан калъа” давлат музей-кўрикхонаси, Нуриллабой саройи, Хива туманидаги “Қорақўл” экотуризм объекти, Богот ва Урганч туманларидаги айрим туристик объектларни тасвирига туширди. Буюк Британиянинг “The Guardian” газетаси эса, Ўзбекистонни 2019 йилда саҳаётчилар учун тавсия қилинадиган 40 та йўналишлар катогориюга киритган. Индонезиянинг “TranS7” телеканални ходимлари “Ўзбекистон — Ислам маданияти бешиги” номида жами беш қисмдан иборат 30 дақиқалик лавҳалар тайёрлаб, эфирга узатди.

Жорий йилнинг 21-23 февраль кунлари Бухорода бўлиб ўтган I Халқаро зиёрат туризми форумида хорижий меҳмонларга юртимизда туризм соҳаси ривожланаётгани ҳақида маълумот берилди. 23-28 март кунлари эса, хиндистонлик ислом дини уламо-ларидан иборат делегация Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, Ўзбекистондаги зиёрат туризмга доир кенг ахборот кампаниясини олиб бориш тақдирини билдиргани ҳам алоҳида эътиборга молик жиҳатдир.

2017 йилнинг тўққиз ойи якунида бўйича юртимизга қарий 1 миллион 800 минг сайёҳ келгани қайд этилган. Бу 2016 йилга нисбатан 17 фоиз кўп. Мамлакатимизда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳам шунча миқдорга

кўпайиб, 1 миллиард 86 миллион долларни ташкил қилди. Туризмни ривожлантириш давлатимиз иқтисодийотида ижобий таъсир кўрсатади. Бирок бунинг учун илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда сайёҳлар учун кўпроқ қулайликлар яратиш керак.

Авиачипталарни арзонлаштириш, аэропорт ҳамда савдо масканларида таҳоратхона ва намозалар ташкил этиш, ҳалол стандарти бўйича фаолият кўрсатадиган ресторо ва кафелар, шунингдек, меҳмонхоналарда мос шароит яратиш, носоз йўллари таъмирлаш, охионаларда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, сифатли озиқ-овқатларни етказиш, йўл белгиларини ўрнатиш каби ўз ечимини қутаётган кўпгина масалалар борки, уларни ҳал этмай туриб Ўзбекистонни сайёҳлик мамлакатига айлантириш жуда қийин.

Тахлилларнинг кўрсатишича, Ер юзиде сайёҳлар сони мунтазам равишда ортмоқда. Хусусан, 2017 йилда улар орасида му-сулмонлар 131 миллионни ташкил этган. 2020 йилга бориб эса, 160 миллионга етиши кутилмоқда. Шу билан бирга, икки йил аввал зиёрат туризмидан келган даромад 142 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2020 йилгача икки баравар ортиши тахмин қилинган. Бу эса, зиёрат туризми сайёҳлик индустриясининг жадал ривожланаётган сегментларидан бири эканидан далолат беради.

Ҳасан УСМОНОВ

SHU SONGA XABAR

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида “Scopus” стандартига мос илмий мақолалар тайёрлаш талабларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

ЯНГИ БОСҚИЧ

Унда “Scopus” илмий-техникавий маълумотлар аналитик базасининг Ўрта Осиёдаги вакиллари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирда “Scopus” илмий-техникавий маълумотлар аналитик базасига аъзо бўлиш, мақолани жойлаштириш тартиби ҳақида маълумот берилди. Таъкидланганидек, базада эълон қилинган мақолалар ўқитувчиларнинг потенциал ютуқларини белгилаб беради.

— “Scopus”га мақола жойлаштириш қийин эмас, — дейди Ўрта Осиё бўйича “Elsevier” компаниясининг минтақавий директори Алия Осипова. — Фақат мақола мавзуси долзарб ҳамда янги бўлиши керак. Мазкур

база илмий ишнингизни пухта текшириб, камчиликларини аниқлаб, илмий салоҳиятингизни баҳолаб беради.

“Scopus” илмий-техникавий маълумотлар аналитик базасида эълон қилинган материаллар орқали жаҳоннинг энг яхши университетлари рейтингидан жой олиш мумкин.

Эътибор ўтамай, “Scopus”да биргина мақолани кўриб чиқиш жараёни уч ойдан олти ойгача давом этади. Тақдим этилган материал маълумотлари кўчирилган ёки сохталити аниқланса, муаллиф мақола бериш ҳамда базадан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Маямура
ХЎЖАҚУЛОВА

СИРДАРЁЛИК ЁШЛАР САМАРҚАНДА



Сирдарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ички ишлар идораларида профилактик рўйхатда турган ёшлар учун Самарқанд шаҳрига саҳаёт уюштирилди.

Вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳамда Ёшлар иттифоқининг худудий кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган талбирга 126 нафар йўлчи-киз жалб этилди.

Саҳаёт иштирокчилари тарихий қадамжоларни зиёрат қилиб, Имом Бухорий музейи ҳамда “Ҳадис илими мактаби”

фаолияти билан танишди.

— Саҳаётдан кўп таассуротлар олиб, мароқли хориқ чикардим, — дейди Муҳаммаднинг Исмомов. — Энди тўғри йўлдан оғмасдан, буюк аждодларимиз бой меросини ўрганишга қарор қилдим.

Анвар ТҮЙЧИЕВ

DOLZARB MAVZU



МИЛЛИЙ ҲИЙНЧОҚЛАР ҚАЕРДА СОТИЛАДИ?

Болалигимдан китоб ўқишга қизиқаман. Айниқса “Дарё билан Жилга” масалани жуда севиб ўқирдим. У шундай сатрлар билан тугайди: “...Ўбошимча кетаверди, Дуч келиб эртаси жилга қумлоққа, Сингиб кетди буткул тупроққа”.

Охири фожиа билан тугаган ушбу шеърда шоир нимага ишора қилаётганини билиш қийин эмас. Кечягина дунёга келиб, бугун атак-чечак қилган болакай, эртага қандай оламда яшайи, қандай тарбия топиши, бу катталарнинг тарбияси, муносабатига боғлиқ. Ниҳолнинг қай тарафга ўсишига хатто шамолнинг ҳам таъсири бор. Бола тарбиясида ҳам худди шундай.

Болалигимнинг энг яқин сирдошига айланган улурган, меҳрини сиздан ҳам кўра кўпроқ қозона олган ҲиЙн-

чокларга ҳеч аҳамият берганмисиз?! Очяқ-очяқ қийинтирилиб, юзларига тўқ ранглар билан ишлов берилган бу ҲиЙнчочлар сизу бизнинг у қадар эътиборимизни тортмайди. “Бир ҲиЙнчоч-да”, деб қўя қоламиз. Аммо болалар ниҳоятда эътиборли бўлади. Улар кизикувчан бўлгани сабаб оддий кўғирчоқлардан ҳам кўп нарсани ўрганади.

Айни пайтда ҲиЙнчоч дўконлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Баъзида шу дўконларга кириб у-бу ҲиЙнчочни харид қилсак, баъзида

чиroyли ҲиЙнчочлари бор экан-а, дея ёнидан ўтиб кетамиз. Аммо тан олиш керак, камдан-кам ҳолатда бу ерда миллий кўғирчоғу ҲиЙнчочларимизни учратамиз.

Бир кунни жияним сочи ўрилган, чиroyли атлас қўйлақдаги ҳамда замонавий усурлар билан бойитилган кўғирчоқ олиб беришимни сўради. Унга ваъда бериб қўйганим боис, вақт топиб ҲиЙнчочлар дўконига бордим. Бирок жияним хоҳлаган кўғирчоқни топа олмадим ва кейинги дўконга кирдим. Афсуски, бу ерда ҳам мен излаган ҲиЙнчоч йўқ экан. Шундан кейин бозорга тушдим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бозордан ҳам бундай кўғирчоқни излаб эсим кетди. Ноил-лож замонавий, каттакон “Барби”

кўғирчоғини олиб уйга қайтдим. Бироз жаҳлим чикди, аммо бунинг бил-дирмасликка ҳаракат қилиб кўғирчоқни жиянимга бердим. Замонавий ва чиroyлигидан унга ёкса керак, деб ўйлагандим. Лекин бундай бўлмади. Боғчада дугонасининг кўғирчоғи худди ўзи айтганидек эканини, у эса ўзинга жуда ёққанини айтиб, ҳафа бўлди. Шунда кейинги сафар, албатта, у хоҳлаган кўғирчоғини олиб келиб бериш ваъдаси билан кўнглини кўтардим. Хоҳамга кирдим, ўйлаб бошладим. Наҳотки миллий ҲиЙнчочлар дўқони йўқ бўлса-я?!

Бир кунни дугонам кўнғирчоқ қилиб, яхши янгилик борлигини, излаётган нарсамни энди топиш имкони борлигини айтди. (Дугонамга шундай



кўғирчоқни излаб, тополмаганимни айтиб берган эдим). Шошиб у айтган манзилга бордим. Дўкон пештахтасида “Миллий ҲиЙнчочлар дўқонига хуш келибсиз” деган ёзувини кўриб, хурсанд бўлдим. Бугун янги дўқоннинг очилиш кунини экан. Жуда ажойиб бўлди. Одам ҳам гавжум.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОҒЧА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мақтабга таълим вазири реабилитация марказларига эга бўлган бу каби ихтисослаштирилган мактабга таълим муассасаларини республиканинг бошқа ҳудудларида қуриш ва фойдаланишга топириш бўйича ишларни давом эттирилади.

2018 йилнинг июль ойида қурилиши бошланган ушбу реабилитация-таълим муассасаси кеска муддатда фойдаланишга топширилди. Бинонинг қурилиши ва жиҳозланиши ҳорижий ва маҳаллий инвесторларнинг бегараз ёрдами ҳисобидан амалга оширилди.

Майдони 3447 квадрат метр бўлган икки қаватли бинода стандарт хоналардан ташқари, бассейни, даволаш-жисмоний тарбия зали, 2 та физиотерапия хонаси, 2 та массаж хонаси, сенсор хонаси, майда моторикани ривожлантириш, ижтимоий-маншайи мослашиш, мусика ва арт-терапия хонаси, ортопед, психолог, педиатр, диетолог, логопед, реабилитолог, психоневролог, методист ва навбатчи шифокор хоналари мавжуд.

— Қорақалпоғистон Республикаси мактабга таълим вазири тасарруфидида Оролбўйи минтақаси болалари учун реабилитация марказига эга бўлган мазкур давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабга таълим муассасаси 120-150 нафар имконияти чекланган тарбияланувчиларга мўлжалланган. Муассасада март ойидан иш бошлади, ҳозирги кунда 4 та гуруҳга 48 та бола қабул қилинган. Хар бир гуруҳ 12 болага мўлжалланган. — дейди муассаса директори Нурсулв Қудайбергенова. — Ҳозирги кунда ушбу реабилитация марказига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири раҳбарлигидаги тиббиёт мутахассислари томонидан Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманларидан ҳамда Хоразм вилоятидан соғлиғида нуқсонли бўлган 2,5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Сентябрь ойига қадар муассасамиз тўла қувватда фаолият юрताди. Марказда ташкил қилинган 4 та гуруҳ турли



номларга эга бўлиб, соғлиғида нуқсонли бўлган болаларни ҳар томонлама соғломлаштириш ва таълим-тарбия бериш учун мўлжалланган. Яъни, кўзда, эшитишда, тилида, ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун махсус ускуналар ва дидактик материаллар тўла таъминланган.

Реабилитация марказига танлов асосида 70 нафар ходим ишга қабул қилинган. Қабул қилинган 36 нафар шифокор ва педагог Тошкент шаҳрида 10 кун давомида малака ошириб кайтди. Шунингдек, 9 нафар шифокор Москва шаҳрида, 6 нафар педагог Санкт-Петербург шаҳрида А.И.Герцен номидаги педагогика институтида малака оширган.

Ушбу муассаса Оролбўйи минтақасининг чекка ҳудудларида яшовчи болаларнинг тундуқ қоллиши учун ҳафтага 5 кун мобайнида туну кун ишлайди. Қўниги биринчи яримда тарбияланувчилар махсус педагогика бўйича малака ошириш курсларини тамомлаган тарбиячилар билан ўқув дастури бўйича шуғулланилади, кўниги иккинчи яримда эса штатдаги тиббий ходимлар назорати остида соғломлаштириш-реабилитация муолажаларидан ўтади.

Реабилитация марказининг коррекцион-таълим хоналари парафин печи, тиббий тренажёрлар, куруқ массаж ванналари, нейро-ортопедия пневмокостюмлари, мобиль стендерлари, ортопедия велосипедлари, ётқак самолкатлар,

мослашувчан креслолар, вестибюляр аппаратни ривожлантириш ускуналари, сенсор интеграцияси махсуслотлари, “Саундбим” тизими ва физиотерапия аппаратлари каби хорижий ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланган. Даволаш тадбирлари ривожланишда бузилишларни тузатишга, тиббий реабилитация ва ижтимоий мослашувга йўналтирилган. Шунингдек, реабилитация марказида мактаб ёшидан ўтган, жисмоний ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун ҳам муолажалар ўтказилади.

— “Имкон” мактабга таълим муассасаси меннинг болам учун ҳақиқий имкон ҳаёда эди, — дейди нуқуллик Жалра Есенбаева. — Ўғлим Алимов Бектурсин эрталабдан туриб олади ва боғчага ошқиб, чой ичмасдан қийинларини қийиб оладиган бўлди. Авваллари уйимиз олдига ўйнагани чикса, бошқа болалар болани камситиб ўйинларига қўшмасди. Шундан сўнг у ғамгин бўлиб, уйдан чикмай қўйганди. Ҳозир ўғлимнинг қувончини тасвирлаб бериш қийин. Бундан биз ҳам бахтиёримиз. Болам келажакда юриб, югуриб кетаман деб, ишонч билан айтмоқда. Хар кунги машқар малам даражада ижобий натижа бераётир. Болам “дам олиш куну бўлмасин, хар куну боғчага борам” дейди. Менга шундай бахт инъом этган Президентимиздан миннатдорман.

“Imkon” реабилитация марказига эга бўлган давлат ихтисослаштирилган кўп тармоқли мактабга таълим муассасасининг очилиш маросимига йиғилганлар бу ерда яратилган шароитлар билан таниди. Ташкилотда Президент совғаси — битта “Нексия” ҳамда иккита “Дамас” автомобили топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳитов, Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

Е.ҚАНОАТОВ, ЎЗА мухбири

TASHABBUS

МЕХР УЛАШИНГ

Кўқон шаҳридаги 4-имконияти чекланган болалар мактаб-интернатида бўлиб ўтган хайрия тадбири шундай номланди.



Эзгу ташаббус 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчилари томонидан ўтказилди. Унда наврасталар ҳолидан хабар олиниб, болаларга бадиий китоблар, ўйинчоқ, ширинлик ва ўқув қуроллари совға қилинди.

Тадбир ўйил-қизларнинг шеър ва кўшиқларига уланиб кетди.

Нигора НИЗОМОВА, Кўқон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби психологи



Бухоро шаҳрида вилоят прокуратураси ташаббуси билан “Китобхон шаҳар” акцияси доирасида эркин ва очик кутубхона ташкил этилди.

КИТОБХОН ШАҲАР

Мазкур кутубхонадан Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Нодира ҳамда замонавий адиб ва шоирлар китоблари ўрин олган. Айниқса, болалар адабиётига оид китоблар ота-оналарда катта кизиқиш уйғотмоқда. Акция вилоятнинг Когон шаҳри, Гиждувон, Қорақўл ҳамда Когон туманларида ҳам ўтказилмоқда.

— Кутубхонада бир минг 700 номдаги 4 минг 500 дан ортик адабий-бадиий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар жамланган, — дейди вилоят прокуратураси матбуот хизмати раҳбари Ҳабиб Ҳамидов. — Китобхонлар мазкур китобларни ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилмасдан, олиб ўқиши мумкин.

Зулфизар МАВЛОНОВА

МИЛЛИЙ ЎЙИНЧОҚЛАР ҚАЕРДА СОТИЛАДИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)

Жияним хурсанд бўладиган бўлди. Чунки бу ерда у айтган кўғирчоқларнинг турфа хиллари бор экан. Биттасини олиб, унга совға қилдим. Хар ваъдани бажарганидан, ҳам шаҳримизда маънавият улашувчи мана шундай дўкон очилганидан севиндим.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асариде шундай деган эди: “Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳралиб, унинг онгиде бир умр саклиниб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади”.

Дарҳақиқат, ўйинчоқларнинг болалар дунёқарашига қўрсатилган таъсири бекиёс. Улар ёш авлоднинг жисмоний ва ақлий ривожланиши, тафаккури бойиши, қобилиятларининг шаклланиши ва юзага чиқиши, турли касб-хунарларга меҳр қўйишига кўмак беради.

Бобом тоғамнинг болалиғида “Уй конструктори”ни совға қилган экан. Шунинг таъсирими, бутун тоғам етук қурувчи. Бобом ҳам бундан жуда фахрланади.

Четдан олиб келинаётган ўйинчоқларни ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлари билан солиштириб кўринг-а!

Тасаввур қилинг! “Зумрад ва Қиммат” эртагидеги Зумрад образи гавдалантирилган кўғирчоқ. Мен биламанки, бу эртани эшитган хар қандай бола ҳам, уни айтиб берган ота-она ҳам Зумрадининг яхши киз эканини билади. Табиийки, кўғирчоқ ҳам бо-

лада ана шундай яхши таассурот қолдиради. Бейхитёр унга эргашади. У каби сочларини киркочили қилиб, дўппи қийгиси келади.

Аммо “Ўғримчак одам”, “Бетмэн”, “Қароқчи” “Босқинчи” кўғирчоқлардан нимани ўрганади? Хурматли ота-оналар! Фарзандингизга бундай ўйинчоқларни олиб беришдан аввал уларнинг бола руҳияти ва тарбиясига таъсири хақида ҳам ўйлаб кўринг!

Бобом нихоли тарбиялар экан, кўрган кўзлар қувнасин, дея унинг ортиқча шоқларини кесиб, шаки беради. Ўз вақтида сув қуяди, тагини юмшатади. Ташки ташкирлардан ҳимос қилад.

Унутманг! Миллийлик руҳи акс этган хар бир ўйинчоқ наврасталарда Ватанга, миллий қадриятларимизга муҳаббатни болаликдан тарбиялаб боради.

Мафтуна ЖўРАЕВА, ЎЗДЖТУ талабаси

BELLASHUV

ЎҚ ОТИШДАН МИНА ТОПИШГАЧА



Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши Миллий гвардия ҳамда маданият бошқармаси билан ҳамкорликда умумтаълим муассасаларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида “Темурбеклар” ҳарбий-спорт ўйинларини ўтказди.



Беллашувда 13 та туман ва шаҳардан жамоалар иштирок этиб, тўққизта шарт асосида куч синашди. Кизгин ва мурасасиз баҳслар ёшлар мусобақага пухта тайёргар-

лик кўришганидан далолат бериб турди. “Мохир мерган”, “Миналаштирилган худудда ҳаракатланиш”, “Рақиб жамоа байроғини эгаллаш” каби шартлар иштирокчиларнинг катта кизиқишига сабаб бўлди. Якуний натижаларга кўра, 1-ўринни Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби жамоаси қўлга киритди. 2-ўринга Зомин туманидаги 15-мактаб, 3-ўринга эса, Зафаробод туманидаги 10-мактаб шоввозлари лойик топилди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Элдор НАВРЎЗОВ, Муаллиф олган сурат.

ISLOHOT-ODIMLARI

Истиклол йилларида изчил амалга оширилган комплекс чоратадбирлар натижасида аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, давлат, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкни ишончли ҳимоя қилишга қаратилган яхлит ёнгин хавфсизлиги тизими яратилди.



ХИЗМАТ ВА СИФАТ ЎЗГАРДИ

Шунингдек, хориждан технология жихатдан анча такомиллашган замонавий ёнгин ўчириш автомобиллари харид қилинмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги “Ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлиналари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориде белгиланишича, Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати хар йили 38 та ёнгин ўчириш автомобили, 6 та ёнгин автотарвони, минг донда ёнгини ўчириш енглари комплекти, шунингдек, нафас олиш аъзоларини ҳимоя қиладиган 300 та аппарат ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Қарорга мувофиқ, қоршанба куну “Ёнгинлар профилактикаси куну” деб эълон қилинган. Бунда хар ҳафта

маҳалла фаоллари билан биргалиқда уйма-уй юрилиб, тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Якунда эса, Ёнгинга қарши ҳолат бўйича аниқланган камчиликлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Бундан ташқари, давлат аҳамиятига молик, ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнгин-тактик ўқув машғулотларини ўтказишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган.

А.БОБОЕВ, Ёнгин хавфсизлиги институти автомобиль хизмати бошлиғи, А.ОДИЛОВ, 1-пансионат ЁХБ катта инспектори

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ

Геология соҳасида малакали мутахассисларни кўпайтириш ҳамда геологик қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2018 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди. Унга кўра, апрель ойининг биринчи ақшанбаси геология соҳаси ходимлари куну сифатида нишонланмоқда.

Айтиш керак, сўнгги йилларда геология тармоғининг мамлакатимиз иктисодиёти ривожидеги ўрни ўсиб бормоқда. Фойдали қазилмалар ва ер ости сувлари конлари аниқланиб, саноят қорхоналари томонидан ўзлаштирилмоқда.

Шунингдек, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси томонидан соҳага инвестиция киритиш борасида қатор ишлар амалга ошириляпти. Хуёусан, яқинда кўмита ва Туркия геологик хизмати ўртасида Навоий ва Жиззах вилоятларидаги вольфрам ва олтинга бой бўлган Саритов, Хуроб ва Айдим-Жетимтов майдонларида геология-қидирув ва тажриба-санат усулида қазиб олиш учун битим имзоланди. Шартномага кўра, жорий йилда 2 миллион АҚШ долларига яқин миқдорда хорижий сармоя киритиш режалаштирилган. Учта истиқболли майдонда азроғеофизик ишлар, масофадан зондлаш, намуналарни геокимёвий таҳлил қилиш, геокимёвий изланиш, картографик ишлар, бурғилаш ҳамда камерал ишлар бажарилади.

Жорий йилнинг март ойида кўмита раиси Бобур Исламов бошчилиғидеги делегация Канаданинг тоғчилар ва геологик тадқиқотчилар ассоциацияси томонидан ташкил этилган



“Халқаро кончилик кўргазмаси”да (PDAC) иштирок этди. Нуфузли анжуманда Канаданинг етакчи олтин қазиб чиқариш компанияси “B2Gold” билан Навоий вилоятидаги учта истиқболли конларни геологик ўрганиш бўйича келишувга эришилди.

Бундан ташқари, келусида кўмита Жанубий Кореянинг “Shindong Resources” компанияси билан Навоий вилоятидаги “Саутбай” вольфрам кони ва “Бургут” участкасини ривожлантириш бўйича ҳамкорликда 70 миллион АҚШ долларлик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган.

Ушбу лойиҳаларининг амалга оширилиши Марказий Осиёда вольфрам концентратини ишлаб чиқариш бўйича энг йирик қайта

ишлаш мажмуасини ишга тушириш имконини беради. Концентрант ўзининг иссиқлик-қизилмади ва рефрактр хусусияти сабабли электр, металлургия, космик ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади. Лойиҳа орқали 1 минг 500 тоннадан зиёд вольфрам концентрати ишлаб чиқарилиб, 250 га яқин иш ўрни яратилади.

Зиёда АҲМЕДОВА, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи

Шу кунларда кўҳна Сурхон воҳасида байрам шукуҳи кезмоқда. Термиз шаҳрида I Халқаро бахшичилик санъати фестивали бошланди. Унда иштирок этиш учун дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан бахши-шоирлар, оқину жировлар, шунингдек, таниқли санъат ва маданият арбоблари, олимлар ташриф буюрган. Бу анжумани минг йиллардан буён эъзозлаб келинган муҳташам бахшичилик санъатининг жаҳон узра тараннуми, дейиш мумкин. Демак, у нафақат санъаткорлар, балки ҳар бир юртошимиз учун бирдай қадрли ва аҳамиятлидир. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг фестивал ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.



МУҲТАШАМ САНЪАТНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

**Мирза АЗИЗОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:**

— Ҳали “Шашмақом” у халқ ашулалари яратилмаган қадим-қадим замонлардаёқ юртимизда бахшичилик санъати равнақ топа бошлаган.

Бахши ижросини тинглаш учун инсон жуда кўп китоб ўқиган маърифатли шахс бўлиши керак. Чунки бахши-шоир бир дostonни ҳар сафар бетақорор тарзда айта олади. Бу ниҳоятда мушкул вазифа, у ижроидан ҳам, тингловидан ҳам алоҳида кунг ва тайёргарликни талаб қилади.

Бахши сўзу сoзи воситасида халқни тарбиялайди, илоҳий қудрат билан руҳини даволайди, юрагини поклайди.

Муҳтарам Юртбошимиз бахшичилик ҳамда мақом санъатлари, миллий мусиқа, театр ва кино, умуман олганда, бутун маънавиятимизга катта эътибор қаратишининг жиддий сабаблари бор. Асосий сабаб шуки, биз улкан маъна-



Муҳаммад ЭШБОЕВ, бахши:

— Ҳақимбек ўн тўрт ботмон ёйни даст кўтаргач, алп сифатида тан олинади. Эл уни Алпомиш, дея атайди. Ҳақимбек синовга дуч келиб, юртидан олиб бўлганида халқ оғир кунларни бошидан ўтказиши. Шунда Ҳақимбекдек эр йигитлар эл учун қанчалик зарурлигини англайсиз.

Ултонтозни эслаганда эса, кўнглингиздан одам назаркарда бўлмаса, Худо ол қудлим, демаса, биллақда чексиз кучи бўлса ҳам алплик кила олмас экан-да, деган ўй ўтади. Бу ҳикматли дунёда назаркарда элар ҳам бор! Тўқсон олти бошли ўзбек ана шундай — Худо суйган халқ!

Яқинда интернетда пианино чалаётган роботни кўрдим. Очиги, одамнинг ақлидроқи ва техник тараккиёт қай даражага етганини исботлаган бу ведиотасвирга бир муддат маҳлиё бўлдим. Кейин зерикдим. Шунча мўъжизага ақли етган бандаси темир матоҳга тайёр мусиқани чалдира олмайди, ахир!

Термизда илк бор ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига ҳозирлик бошлангандан буён дунёни янгидан кашф этдим. Ҳар куни қандайдир мўъжизага дуч келяпмиз. Бўлмаса кўргазмага ўзиниз қўриб-қилиб юрган нарсалар қўйлапти!

Воҳада сибизга деган чолғу бор. Қамишдан ясалади. Ўзи кўрсаткич бармоқдай келса-да, аммо “тили”ни топсангиз, инсониятнинг хасрату хайратидан “сўзлайди”. Чанковуз ҳам худди шундай! Олдий темирдан (илгари суякдан) ясаладиган бу чолғунинг дилдан ғуборни аридадиган кучи бор.

Шаҳримизга келган меҳмонлар дам сибизгани, дам дўмбирани чанковузни кўлга олиб қилишга уринапти. Уларнинг гапини тилмочлар таржима қилгунча юзидаги хайрат ва хаяжондан кўнглидан нималар ўтаётганини билиб олиш кийин эмас.

Эл оралаб дoston айта бошлаганимдан буён озми-кўпми дунё кездим. Турфа элар, уларнинг ўтмишию бугуни ҳақида тасаввурга эга бўлдим. Тагин юртимиздаги

бахшилар байрамни кузатиб, Худо суйган эл эканимизга яна бир марта ишондим. Қаранг, битта заминда шунча осор-атика жам бўлган. Қорақалпоқ, Хоразм ва Воҳа дostonчилик мактаблари орасида қанча фарқ бор. Дostonларнинг кўплиги, бир-бирини такрорламаслиги-чи! Бу элимизнинг маънавий бойлигиндан далолат эмасми?!

Халқимиз доимо бахшиларни ардоқлаган. Чунки улар бошқаларга тўғри йўлни кўрсатувчи, ҳақ сўзини айтувчи кишилардир. Ахир, дostonларда ҳаёт ҳикмати яширин. Қирқдан зиёд дostonни ёд олиб, юракдан улғазиб, элга етказиб берадиган одам донишманд бўлади-да! Бугун бахшилар байрами баҳонасида бутун халқимиз, етмишдан зиёд мамлакатдан келган иштирокчилар маънавий бойлигимиздан баҳра оляпти.

Гапни Алпомишга бобомерос бўлган ўн тўрт ботмонлик ёй ҳақида бошладик. Аслида дostonдаги ҳар бир воқеа замирида ҳаёт ҳикмати ётади. Ёй ҳам рамс. У душманга — жами ёвузликларга қарши кураш тимсоли. Ундан фойдаланишни эса, фақат алплар урдалайди.

Дунё манзарасига назар солсангиз, мафкуралар кураши авж олган. Бундай пайтда одам боболар ўғитини дилга тутса, ҳийлакорлар домига тушмайди. Ахир, улғайганимиз: “Ўзини билган ўзгага эргашмайди”, — деган-ку. Ана шу ўзлик дostonларимизда жам. Шунинг учун ҳам бахшилар байрамни Алпомиш кўтарган ўн тўрт ботмонлик ёйга менгаш мумкин. Бугун уни дунё кўз ўнгига халқимиз даст кўтариб турирди.

Дарвоқе, вақт ўтиб Алпомиш кўтарган ёйни унинг ўғли Ёлдор ҳам даст кўтарди. Бу алплар авлоди давом эттишга ишора. Авлодлар дамодийлигини бугунги ҳақида фестивал ҳам тасдиқламоқда.

куюнда чиқарган ноласидан дўмбирани кашф этмаган бўларди.

Илк дўмбира чўпон тағидан ясалган. Унинг хозиргидек “қорни” бўлмаган. Кейинчалик унга кўзичоқнинг ичагини тор қилиб тортиб, овозга омухта тарзда, дилўртар қуйларни ихтиро қилганлар. Бу воқеалар рўй берганига минг-минг йиллар вақт ўтгани, шубҳасиз.

Бугунги кунда дўмбира ижросидаги дostonлар ва термаларнинг оммалашувида ўша дашт оҳанглари уйғундир. Бу қуй ва оҳанглари табиат яратгани учун ҳам улар халқчил, юқумли ва дилга яқиндир.

Жаҳон халқларининг қадимги санъатлари билан бемалол тенглаша оладиган “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Тўрўғли”, “Ёлдор”, “Авазхон” сингари ҳам адабиёт намунаси, ҳам кўшиқчилик дурдонаси бўлган маданий хазиналарни бир қулоч қув ёғоч ёрдамида яратган бахшилар қошида, икки торида икки олам осилиб турган дўмбирани қошида мудом хайратлар ўрайди мени.

Воҳа томонларда бирор бир сўзга чечан кишини кўришса, “дўмбиралай одам экан” деб таъриф беришади. Халқимизнинг маънавий оламни бойитиб келаётган, қўлидаги сумбулсозини азиз билган бахшиларимиз бор бўлсин! Юртимизда катта тантана билан бошланган I Халқаро бахшичилик санъати фестивали барчамизга муборак!



вий меросимизни йўқотиш даражасига келиб қолгандик. Бахшичилик ҳам завоқ топа бошлаганди. Фақат Қашқадарё ва Сурхондарёда ёш

қари тўй-маросимлар ҳамда катта тантаналарда бахшиларни тингларди.

Таъкидлаганимдек, бахшини тинглаш кишидан юксак ақл-фаросат ва идрокни талаб этади. Тўғри, бугун биз “Алпомиш”ни фильм ва спектакллар кўришида, кўшимча сайқал бериб халққа тақдим этишимиз. Бирок бахши талқинидаги “Алпомиш”ни на кино, на театрда топиш мумкин.

Шу боис юртимизда илк бор Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказишга қарор қилинди. Турли давлатлардан кўплаб хурматли меҳмонлар келган. Албатта, бундай ёрқин ҳодисани олқишламаслик мумкин эмас.

Мен юртимиз аҳлини ажойиб санъат байрами билан кутлайман! Токи халқ дostonларини мақомларимиз бор экан, миллатимиз ўлмайди, қаддимиз букилмайди!

**Мадина МАЪМИРОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори,
Гулистон санъат коллежи ўқувчиси:**

— I Халқаро бахшичилик санъати фестивалини асрлар оша сайқаллашиб келган кўҳна санъатимизга кўрсатилган юксак эътибор намунаси, деб биламан. Дўмбирани кўлга олиб, қўшиқ айтгучи ҳар киши ҳам бахши бўлолмайди. Бунинг учун улкан қалб, бетақорор истеъдод, маҳорат, илму шижоат керак.

Тан олайлик, мана шундай мураккаб, лекин жуда олижаноб санъат тури охири вақтда бизрош социяда қолиб кетганди. Президентимизга минг раҳмат, Сурхон воҳасида бахшичилик санъати бўйича халқаро мақомдаги фестивали ўтказиш тўғрисида қарор чиқариб, биз, ёшларни ўлмас мусиқий меросимиз билан яқинлаштиришга сабабчи бўлди.

Ўзбекистон ёшларининг миллий мақом ва бахшичилик анъаналарини билмай ўсиши — фожиа. Замон билан ҳамнафас бўлиш яхши, бироқ миллий қадриятларни унутинга ёки завоқ топтиришга ҳаққимиз йўқ! Аксинча, маданий меросга ҳар қанча хурмат кўрсатсак, оммалаштирсак арзийди.

Тенгдошларим иқтисодий тармоқлардан кенг фойдаланмоқда. Ўтган йили Шаҳрисабзда ўтқа-

зилган Халқаро мақом санъати анжумани олдидан интернет тармоғида “Maqom challenge” лойиҳаси амалга оширилиб, кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Қисқа, бироқ юракдан чиқариб жонли овозда айтылган мумтоз кўшиқларнинг оҳанрабои барбери бошқача-да. Мана, энди “Baxshi challenge” активизига старт берилди. У ҳам ёшларга жуда манзур бўлади, деган умидламан.

Бизнинг Сирдарё вилоятида бахшичилик мактаблари йўқ. Шунга қарамай, устозим Дилмурод Гулмуродов мени шу санъатга ошно этди. Устозим кўмағида “Алпомиш” дostonини анъанавий услубда ижро этишни ўргатди. Бу осон эмас, аммо завқли жараён. Келгусида иқтисодимиз сайқаллаб, бахшичилик санъати ривожига муносиб хисса қўшим бор.

**Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раисининг ўринбосари:**

— Бахшилар ҳаммаша эл ичра ҳурматга сазовор инсонлар саналган. Шу боис уларнинг санъати ҳам доимо эъзозда. Бахши ўз ашулаларида миллатни миллат қилиб тургучи туйғулар — эзгулик, меҳр-муруват, иззат-икром тушунчалари ҳақида қуйлайди.

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнида қанча-қанча халқлар тарихий илдизларидан йироқлашмоқда. Чинор қанчалик бақувват бўлмасин, барибир илдизларидан куч олади. Миллат ҳам чинор қабидир — негизидан қувватланиб яшashi керак.

Халқ оғзаки ижоди намуналари бизга кўҳна тарихимизни намоян этиш орқали келажак сари шахдам кадам ташлашга ёрдам беради. Бугун туркий халқлар ижоди 150 томлиқ китоб ҳолида нашрга тайёрланмоқда. Ана шу улкан ва бебаҳо мероснинг учдан бир қисми ўзбек халқи дostonларидан иборат. Халқаро бахшичилик санъати фестивали айнан Сурхондарё заминидан ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу Ўзбекистон учун ҳам шараф, ҳам масъулиятидир.

Болаликда бахшиларнинг иж-

роларини кўп эшитардим. Улар хотирамда умрбод муҳрланган. Инсон болалик хотиралари орқали маълум даражада шаклланади.

Бахши ашулаларидаги қаҳрамонлар тимсолида болаларни элпарвар, мард ва олижаноб қилиб тарбиялаш мумкин. Минг йиллардан буён оғиздан-оғизга ўтиб келаётган айтимларни ноёб хазина деб қабул қилмоқ даркор. Бу ҳақда адабиётлар чиқариш, дарслиқларда ёзиш керак.

Бахши тилидан қуйланаётган ҳар бир дoston бадий сўз санъатининг юксак намунаси саналади. Айтимлар миллий қадриятларимиз тарғиботи учун хизмат қилади. Демак, бугунги йигит-қизлар бахшичилик санъатига қизиқса, унинг руҳи билан янаса, келажакда аждоқларига муносиб авлод бўлиб вояга етажак.

**Ўрозали ТОШМАТОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти профессори:**



— Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ҳудудидан қанча-қанча қарвонлар ўтган. Улар орқали номоддий бойликлар, маданиятлар ҳам кириб келгани аниқ. Натижада бизда халқ оғзаки ижоди, инчунин, миллий мусиқа санъатининг улкан хазинаси шаклланди. Унинг қадр-қимматини баҳолаш жуда қийин.

Бахшичилик халқимиз кўз қорачигидек асраб, авлоддан-авлодга мерос қолдираётган бетақорор санъат турларидан бири ҳисобланади. У учта асосий йўналишга эга. Сурхондарё ва Қашқадарё бахшилари битта овоз билан, дўмбира жўрлигида дoston айтади. Хоразм бахшилари доира жўрлигида ансамбль бўлиб қўшиқ ижро этади. Қорақалпоғистонда эса, ҳам эркак, ҳам

аёл бахшилар бор. Улар гижжак ҳамда қорақалпоқ доторидан фойдаланади. Бундай ранг-баранглик она юртимизда бахшичилик санъати жуда қадимдан пайдо бўлиб, ривожланганидан далолат беради. Сурхондарё вилоятида кўтаринки руҳда бошланган Халқаро бахшичилик санъати фестивали бунга яна бир қарра кўрсатди.

Ушбу гўзал анжуман турли халқлар бахшичилик санъатининг энг ёрқин қирраларини намоян этиш, ижрочилар, олим мутахассисларнинг ўзаро мулоқот қилиб, тажриба алмашиши, қолаверса, янги таллантларни аниқлаб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш учун жуда қулай фурсатдир. Умид қиламанки, фестивал ёшларимизни бахшичиликнинг сеҳру жонбасига ошно этган қўйи бетақорор санъатимизни дунёга ҳам танитишга хизмат қилади.



Шодмонқул САЛОМ, шоир:

— Одамзод ҳаммаша ўзлигини излайди. Ўзига, ўзининг меҳварига яқин боришга талпинади. Аммо кўп ҳолларда бунинг урдасидан чиқолмайди.

Арасту “Поэтика” асаридан санъатнинг пайдо бўлишини “табиатга тақлид, тақлиддан завқ, завқ ҳосили бўлган тарбия” деган учта асосда кўрсатади. Бу нукта назар хануз ўз кучида турирди. Акс ҳолда, одам боласи шамоқ чалган камшлардан найни, заранг дарахтларининг



O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi jamoat fondi

"HARAKATLAR STRATEGIYASI, "FAOL INVESTITSIYALAR VA IJTIMOY RIVOJLANISH YILI" DAVLAT DASTURI IJROSIDA NNTLAR FAOLLIGINI QO'LLAB-QUVVATLASH" MAVZUSIDA DAVLAT GRANTLARI AJRATISH UCHUN TANLOV E'LVON QILADI

TANLOVGA NODAVLAT NOTIJORAT TASHKILOTLARI, OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI VA FUQAROLIK JAMIYATI BOSHQA INSTITUTLARINING QUYIDAGI MAQSADLARINI NAZARDA TUTGAN IJTIMOY AHAMIYATGA MOLIK LOYIHA BUYURTMANOMALARI QABUL QILINADI:

- o'zgalar parvarishiga muhtoj yolg'iz keksa fuqarolarni, nogironlarni manzilli ijtimoiy himoya qilishni takomillashtirish, ularga ko'rsatilayotgan tibbiy-ijtimoiy yordam ko'lamini kengaytirish va sifatini oshirishga ko'maklashish;
- jazoni o'tash joylaridan ozod qilingan, afv etilgan shaxslarni, muqim turar joyga ega bo'lmagan shaxslarning jamiyatga ijtimoiy integratsiyasi va reabilitatsiyasiga qaratilgan dasturlarni davlat organlari bilan hamkorlikda amalga oshirish;
- aholining, eng avvalo, ko'makka muhtoj xotin-qizlarning huquqlarini himoya qilish, ularni ma'naviy qo'llab-quvvatlash bo'yicha davlat organlari bilan hamkorlikda qo'shma ish rejalarini hayotga tatbiq etish;
- mahallalarda, oilalarda ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi holatlar, o'z joniga qasd qilish, gijohvandlik, erta nikohning oldini olishda davlat organlari bilan ijtimoiy sheriklikni kuchaytirish;
- aholini, ayniqsa, yoshlarni gijohvandlik, axloqsizlik va zararli ta'sirdan himoya qilishda ta'lim muassasasi, oila va mahalla institutlari bilan ijtimoiy hamkorlikni kuchaytirish;
- notinch va noqobil oilalar bilan ishlash, oilada ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi holatlarning oldini olishga, oilada sog'lom ma'naviy muhitni ta'minlashga ko'maklashish;
- mahallalarda huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olishga, bu kabi salbiy holatlarga murosasizlik muhiti shakllanishiga ko'maklashish, ijtimoiy sheriklik asosida o'z ta'lim muassasasi bilan hamkorlikda fuqarolik jamiyati institutlarining rolini kuchaytirish;
- Orol holatining atrof-muhitga va aholi salomatligiga salbiy ta'sirini yumshatishga, Orolbo'y hududlarida ekologik vaziyatni tiklashga va sog'lomlashtirishga ko'maklashish;
- noqonuniy mehnat migratsiyasidan, majburiy mehnat va kamshitishlardan jabrlangan shaxslarni huquqiy va ijtimoiy himoyalash, tizimli profilaktik ta'lim berish va reabilitatsiya qilish;
- aholi bandligini ta'minlash maqsadida hududlarda ijtimoiy va maishiy infrazuzumlatni yaratishga, oilaviy biznes, xususiy tadbirkorlik, kasanachilik, xalq hunarmandchiligini rivojlantirishga hamda aholining hayot darajasi va sifatini yaxshilashga ko'maklashish;
- davlat organlari va biznes sub'ektlari bilan hamkorlikda yoshlar, ayollar va yosh oilalarning bandligini ta'minlash;
- ijtimoiy muammolarni hal etishga davlat organlari va tadbirkorlik sub'ektlarini keng jalb etish borasidagi ijtimoiy sheriklikni qo'llab-quvvatlashga ko'maklashish;
- "Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili" Davlat dasturida belgilangan vazifalar ijrosini amalga oshirish jarayonlarini, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan yangilanish jarayonlari, ishlohtlarning aniq natijalarini elektron va bosma OAV keng yoritishini qo'llab-quvvatlash;
- O'zbekiston Respublikasining asosiy xalqaro reytinglardagi o'rini oshirishga ta'sir qo'yuvchi ijtimoiy muammolarni tizimli tahlil qilishga, ularni bartaraf etish bo'yicha takliflar ishlab chiqishga, mamlakatda amalga oshirilayotgan keng ko'lami ishlohtlarning natijalari haqidagi ma'lumotlarni xalqaro reytinglarni tuzuvchilarga yetkazishda ko'maklashish;
- davlat organlari huzuridagi jamoatchilik kengashlari bilan ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish dasturlari va normativ-huquqiy hujjatlar talabari ro'yogga chiqarilishini ta'minlash.

DAVLAT GRANTLARI NAZARDA TUSHTIRILISH UCHUN QUYIDAGI HUJJATLAR TAQDIM ETILADI:

- 1. Tashkilot rahbari tomonidan imzolangan va muhr bilan tasdiqlangan kuzatuv xati.
2. www.fundngo.uz veb-saytida joylashtirilgan shaklda to'ldirilgan davlat granti loyihasi uchun ariza.
3. Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan Ustav (Nizom) hamda guvohnomaning muhr bilan tasdiqlangan nusxasi.
4. Agar loyihami amalga oshirish litsenziyalanadigan faoliyatni talab qilsa, unda litsenziyaning nusxasi taqdim etiladi.
5. Manfa'atdor davlat va yirik jamoat tashkilotlari bilan tuzilgan ijtimoiy sheriklik qo'shma rejalarini ilova qilinishi mumkin.

Bitta loyiha uchun davlat granti miqdori - 30 million so'ngacha. Hujjatlar 2019-yil 28-martdan 30-aprelgacha qabul qilinadi. Hujjatlar "O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi jamoat fondi" nomiga: 100163, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 43-uy manziliga "O'zbekiston pochta" orqali muhrlangan konvertida (A4 formatda) yuborilishi shart. Hujjatlar namunalari bilan Oliy Majlis huzuridagi jamoat fondining www.fundngo.uz rasmiy veb-saytida tanishish mumkin. Ma'lumot uchun telefonlar: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

9-APREL — AMIR TEMUR TAVALLUD TOPGAN KUN

Bugun mamlakatimiz nafaqat iqtisodiy, balki ma'naviy va madaniy yuksalish yo'lidan bormoqda. Ayniqsa, tarixning unutilgan sahifalarini o'rganishga e'tibor kuchaydi. Amir Temur davri tarixiga oid qator birlamchi manbalarning o'zbek tiliga o'g'irilib, chop etilgani buning yaqqol misolidir. Jumladan, "Temur tuzuklari"ning o'zbek va rus tillaridagi nashrlari ham keng kitobxonlar e'tiboriga havola etilgan.

TEMUR TUZGAN "TUZUKLAR"

Yosh avlod qalbidagi Vatanga muhabbat va sadoqat tuyg'ularini kuchaytirish, milliy o'zlikni anglash hamda ma'naviyatimizni yuksaltirishda "Temur tuzuklari"ning ahamiyati benihoyat kattadir.

Sohibqiron va u asos solgan saltanat tarixini o'rganishda biz, avvalo, o'sha davrga oid asarlarga murojaat qilamiz. Shu ma'noda, bobomiz o'zi yozgan va o'zi-da qog'ozga tushirgan "Tuzuklar"ning bebaho manba ekani o'z-o'zidan ayonlashadi. Ushbu yodgorlik Amir Temur shaxsi va xarakteri, davlatni qanday tuzgani va boshqargani, qolaversa, o'sha davrning ruhi, manzarasi, odamlari hamda insonlar o'rtasidagi munosabatlar haqida keng tasavvur beradi.

"Temur tuzuklari" zamon zarurati va talabi bilan yaratilgan asardir. Uni davlatni boshqarish zhamatlarini o'z boshidan kechirib, bu borada ulkan tajriba orttirgan, mashhur muarrix Nizomiddin Shomiy ta'biri bilan aytganda esa, "kamolot-u martabalariga o'zining yetuk sa'y-harakati va jon-jahdi bilan erishgan" Amir Temurdek



buyuk shaxsgina yoza olardi.

"Temur tuzuklari"ni mutolaa qilish davomida bobomiz nechog'liq yuksak ma'naviyat sohibi bo'lganiga ishonch hosil qilamiz. Amir Temurning tarixiy asarlar yaratilishi va yozilishiga munosabati, ayniqsa, ularning haqqoniy bo'lishini talab qilgani tahsinga sazovor. Shu jihatlarga nazar tashlaganda ko'z oldimizda donishmand, teran hayotiy tajriba sohibi bo'lgan, kelajak avlodini o'ylagan, ona yurt, mulk-u millat uchun kuyib-yongan zahmatkash inson siyosini

gavdalanadi. Ma'lumki, "Temur tuzuklari" ikki maqoladan iborat. Birinchi maqola Sohibqiron hayotidagi eng yorqin voqealarga bag'ishlangani bilan qimmatlidir. Qisqa, soddada, ravon tilda bayon etilgan voqealar barcha o'quvchilarga birday tushunarlidir. Ikkinchi maqola esa, davlat yuritishga oid qonun-qoidalar, ya'ni tuzuklardan tashkil topgan. Bu tuzuklar saltanatni barpo etish yo'lida hayotning o'zi keltirib chiqqan qonunlar majmuasi ediki, ular bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

Amir Temur turk, arab va eronliklar tarixini, falsafa, riyoziyot, handasa, me'morchilik, falakiyot va boshqa ilmlar, shuningdek, she'riyatni yaxshi bilgan. Sohibqiron faoliyati davomida Alloh buyurgan oliy insoniy aqida va fazilatlariga astoydil, sobitqadamlik bilan amal qildi. Aziz farzandlari va nabiralari bilan ham shuni talab qildi. Mana shunday ajoyib ishleri bilan dunyo ahlini lol qoldirgan Sohibqiron bobomizning maqsadi "Temur tuzuklari" orqali farzandlari va avlodlariga o'z hayotiy tajribasini ochiq-ravshan yetkazib berish bo'lgan. Va o'sha davr muarrixlari uddalay olmagani ishini uning o'zi amalga oshirgandi.

"Temur tuzuklari"ni diqqat bilan o'qigan kishi hozirgi kunda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng ko'lami ishlohtlar bobomiz olib borgan oqilona siyosatga juda uyg'un ekanini anglaydi. Bundan kelib chiqadigan xulosa esa, bitta — O'zbekiston to'g'ri yo'lini tanlagan.

Otabek CHORIYEV, Pastdarg'om avtomobil va yo'l-lar kasb-hunar kolleji direktori


LUQMA

"BILMAY" O'RGATAMIZ yoxud amaliy mashg'ulot

Dars boshlandi. Amaliy mashg'ulot. Bugungi mavzu — badiiy publisistika janrlari: ocherk, esse, feleton, pamflet. Auditoriyaning diqqati o'qituvchiga qaratilgan. Ustoz norozi kayfiyatda gap boshladi: — Bugungi amaliy mashg'ulotda hamma bittadan pamflet, ocherk, feleton yozib topshirishi shart. Bu joriy nazorat uchun. Oxirgi vaqtlarda dangasa bo'lib ketayapsizlar. Qani, vaqt berdi. Roppa-rosa 60 daqiqadan so'ng yig'ib olaman. O'qituvchidagi norozilik kayfiyati talabalarga ham yuqdi. Turli ovozlari eshitila boshladi. Talaba ahli azaldan qitmir xalq bo'lgan-da. Oxirgi partada o'tirgan bir bola qo'lini ko'tardi. — Domla, savolim bor, bersam maylimi? Ustoz gapir degandek, bosh iring'adi. — Mana, biz, talabalar o'qish davomida janrlarni o'rganaymiz. Nega bu janrlar matbuotda kamyob, hatto yo'qolib borayotganini ham muhokama qildik. Sizing ham maqolalaringizni o'qib, kuzatib boramiz. Ayrim mavzularni juda kuchli yoritgansiz. Lekin negadir feleton va pamflet janridagi materiallarigizga ko'zim tushmagan ekan-a? Maqtovdan ustozning yuzi yorishib, shunday javob qaytardi: — Ha, to'g'ri aytasan. Ne-ne rahbarlarni tanqid qilganman-u.

Eh-he... Pamflet va feletonga kelsak, u meni yo'nalishim emas. Men boshqa uslubdagi ijodkorman. Bo'ldi, ko'p gapirmay, vazifani bajar. Vaqt bo'lishi bilan yig'ib olaman. Auditoriya suv quygandek jim bo'lib qoldi. Qiziq, biz o'ylagan fikr ustozning ham xayolidan o'tganmikan? Tanaffus. Hamma qoralagan qog'ozlarini topshirdi. Axir, baho olishimiz kerak... Ikkinchi para. Xonaga nimtabassum bilan kirgan o'qituvchimiz bizlarga qarata: — Bugungi darsimiz amaliy mashg'ulot, — dedi. Yana boshlandi... Fayzixon IBROHIMOVA

"AMIR TEMUR" krossvord



Bo'yiga: 1. "Amir Temur va uning joylardagi noiblari Buyuk ipak yo'lini nazorat qilib Sharq va ... o'rtasida aloqalarni har tomonlama rivojlantirishga katta e'tibor berilar". 2. "Badi-uzzamon Temur ... siga mansub ko'p shohlar, shahzodalari kabi she'rdan zavqlanar, o'zi ham goho-goho biror narsa yozib ko'yardi". 4. Amir Temur qabila, sarkarda va viloyat amirlarini asosan shu urug'dan tayinlagan. 6. Amir Temur maqbarasi (Go'ri Amir) ni qurgan me'mor-usta. 9. Amir Temur harbiy yurishlari oqibatida g'orat qilingan Volga viloyatining qadimgi nomi. 10. Sarkardaning otasining ismi. 12. Shohizinda me'moriy majmuasiga mansub maqbaralardan biri. 14. Amir Temur hayotligi chog'idayoq saltanatini o'rtidan bir qismi (Fors) ga ega bo'lgan o'g'li. 15. "Amir Temur ... larni saralab ajrata oladigan mohir chavandoz va dovyurak bahodir bo'lib voyaga yetgan". 16. Yozuvchi Muhammad Ali qalamiga mansub epopeya — "Ulug' ...". 17. Amir Temurning "Ko'ragon" unvoniga musharraf bo'lishiga sabab bo'lgan katta xotining ismi. 21. Sohibqironning bolalik ismi. 23. Oqiyomat maydoni, qirg'in-barot. 26. Lashkarboshi, hokim, bek.

Tuzuvchi: Shavkat HIDOYATOV

YIG'INDI GAPLAR

TAFTISH

Milliy raqs va xoreografiya oliy maktabi San'atshunoslik yo'nalishida tahsil olayotgan 1-kurs talabalariga tahririyatda tashkil etilgan "Mahorat maktabi"da bir lahzha har kim o'zini taftish qilib, xayolidan kechgan gaplarni qog'ozga tushirish taklif etildi. Buni qarang, mushariyga ilinsa arziydigan nimadir chiqdi bundan.

Hayotga bo'lgan ishonchim va qiziqishim ortib boryapti. Hech qachon tushkunlikka tushmasdan, tanlagan yo'lmdan qaytmastim kerak. Chunki men kasbimning yetuk mutaxassis bo'lib insonlarga foydam tegishini xohlayman. SAODAT.

Aqlimni tanibmanki, biror narsaga zoriqqanimni eslolmayman. Ota-onam hamma narsani muhayyo qilgan. Gohida o'zimga savol beraman: "Ularga loyiq farzand bo'ldimmi?". Otam vafotidan so'ng, qiyinchilik nimaligini angladim. Inson qadri, boshqalarga qanday munosabatda bo'lishni, ulg'ayganimni his etdim. Men albatta orzularimga erishaman. Faqat olg'a, nurl hayot sari intilaman. MADINA.

Men, avvalo, ichki dunyomni o'zgartirishim, o'z oldimga qo'ygan maqsadim yo'lida hech bir to'siqlarga qaramasdan harakat qilishim kerakligini anglayapman. Odamlarga bo'lgan muomalarni o'zgartirishim uchun o'zimga shior tanladim: "O'zgan o'zing kabi sev! Inson shudagina gunoh qilmaydi, yomon va yolg'on gapirmaydi!". KAMOLA.

Yana nima kerak menga? Hamma sharoitim bor. Manbalar keragidan ortiq. O'q o'qovizdan bezilamayman. Yaqinlarim yonimda, qornim to'q. Shunday ekan, nima haqqim bor hayotimda bo'sh vaqt qolishiga? Zamon va makon tanlama, o'qi, o'qi, o'qi... BUNYOD.

Ey ahmoq, boshlagan ishingni oxiriga yetkazishni qachon o'rganasan? Bekorchilikni bas qil! Magistraturani xorijda o'qishni niyat qilbsan, rahmat! Boshing bilan emas, qog'oz to'ldirib "a'lo" baho olishdan charchadingmi? Bilimim ko'payib ketadi, deb qo'rqaysanmi? Qo'rqma, nari borsa yaxshi kadr bo'lib, insonlarga foyda keltirasan. Hayotdan kamchilik emas, go'zallik qidirib yasha! Bo'ldi, yig'ishtir, kattami-kichik, yaxshimi-yomon... Baridan ezgulik qidir va boshqalarga ulash! INJUBONU.

Sen onangga o'xshashni xohlaysan-u, buning uchun harakat qilmasan. Jurnalist bo'lib xalq dardi bilan yashagun keladi. Lekin bu hamon orzuligicha qolmoqda, qani harakating? Rejalaring ham yo'q. Uyg'on va maqsadlaring yo'lida ishonch bilan qadam bos! RO'ZAXON.

Hayot shunchaki vaqt o'tkazish uchun berilmagan. Uning o'z tashvishi, og'irligi, azoblari bor. Sen bularni yelkangga ol va oldingga intil. Ota-onam, oila va hayotning yaxshi, quvonchli kunlarini qadrla. O'z vazifangga mas'uliyatli bo'l. Yig'loqlikni bas qil. Hammaga ham ishonaverm! MAFTUNA.

Doim hayot qiyinchiliklariga bardosh bera oladigan inson bo'l. Harakattan to'xtama. Qanday vaziyat bo'lishidan qat'iy nazar, haqiqatga yo'l bo'l. Qo'lingdan kelguncha yaxshilik ulash. O'z kasbingni puxta egalla. Hech vaqt atrofda gildardan mehriyni ayama. GULMIRA.

Yoshing nechada? Shu yillar ichida nima qilding? O'tkazgan umringga achinmaysanmi? Orzularing ko'p, lekin bular shu asnodda qolib ketmayaptimi? O'qishga kirbsan, xo'sh... Maqsadingga yetishish uchun o'qishga kirganing turki bo'ldimi? Umring behuda o'z tayotganday tuyulmayaptimi? Ko'zingni och, atrofqa qara, ertaga afsuslanmaysanmi? RUSTAM.

Men shu paytgacha vaqtimni behuda o'tkazmadim. Lekin o'tgan vaqt mobaynida yanayam ko'p narsaga ulgurishim mumkin edi. Hozirda o'zimga o'zim shunday deyman: "Hech qachon hayotda olg'a intilishdan qo'rqmagin. Hayotda yiqildingmi, turib davom et". "IELTS"dan 7,5 ball olib, ota-onang, do'stlaring va dushmanlaring oldida yuzing yorug' bo'lishi kerak. Mana shu maqsad sari olg'a! SITORA.

Oldingga qo'ygan maqsadindan chalg'ima. Dangasasan. Atrof-muhit, boriq, dunyodagi insonlarga foyda keltirayotgan voqea-hodisalarga nisbatan qiziqishing yo'q. Dunyoni lol qoldirayotgan va yurtga foyda keltirayotgan yoshlardan kam joying bormi! Jahon miqyosiga chiqish uchun o'z ustingda ishlash, izlanishlardan to'xtama. Sen albatta yuksak marralarni zabt etasan. GO'ZAL.

Hayot murakkab, shu bilan birga, juda go'zal. Bardosh berish va rohatlanish kerak. Bu hayotda kecha yoki erta bilan emas, balki bugun, ayni shu daqiqalar uchun yashash lozim. Dunyoning ishleri qiziq, unga real yondashgan, tarozining ikki pallasini teng tutgan inson yutadi. Balki bunday gaplarni aytishga men yoshlik qilarmen. Ammo bu mening qarashim, mening fikrim. Hech qachon ortga qaramay, hamisha olg'a intil va insonlarga yaxshilik qil. Yuzingdan tabassum arimasin. Tabassum insonning go'zal fazilatlaridan biri. Tabassum qil!!!! MADINABONU.

Eniga: 3. Amir Temur va Temuriylar davrida ulkan saltanatning yirik shahri. 5. "Temur tuzuklari"ni forschadan o'zbek tiliga tarjima qilgan ulamo. 7. Asl ismi Muhammad Tarag'ay bo'lgan buyuk o'zbek astronomi va matematigi, davlat arbobi, Sohibqironning nabirasi. 8. Shohjahon va uning xotini Mumtozmahal maqbarasi — Tojmahal joylashgan shahar. 11. Amir Temur Ispaniya elchisi Rui Gonzales de Klavixoni qabul qilgan bog'lardan biri. 13. Amir Temurning o'spirinligidagi do'stlaridan biri. 15. Amir Temur Samarqand g'arbida qaysi xotiniga atab Bog'i Behisht (Jannat bog'i)ni bunyod etgan va ayolning ikkinchi ismi Xayrunniso bo'lgan. 18. 1401-1404-yillarda Nizomiddin Shomiy tomonidan Amir Temur davlati tarixiga bag'ishlab yozilgan asar. 19. Amir Temur Anqara jangida mag'lub etgan sarkarda. 20. Sohibqironga atab haykal qo'yilgan shaharlardan biri. 22. Gavharshod-begim tomonidan masjid, madrasa va maqbara qurilib, o'zi va farzandi dafn etilgan shahar. 24. Amir Temur vafot etgan joy. 25. Amir Temur portretini mohirlik bilan chizgan mo'vqalam ustasi. 27. Amir Temur o'ttiz to'rt yoshini Amir Husayn qo'shinlarini yengib, Movarounnahr taxtiga chiqib nishonlagan joy nomi. 28. Sohibqiron XIV asr oxirida yurish qilgan davlat.